



© Бугунги кунда ҳаётимизни маънавий ҳизматсиз тасаввур қилиш қийин. Зеро, қайси бир соҳани олиб қараманг, бунинг яққол гувоҳи бўласиз. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида пойтахтимизда маънавий ҳизмат кўрсатиш аҳоли қандай? Аҳоли талаб ва истаклари, эҳтиёжлари қондириш учун имкониятлар етарлими? Бу соҳада қандай янги усуллар жорий қилинмоқда? Биз шу каби саволлар билан Ўзбекистон Республикаси маънавий ҳизмат уюшмасининг раиси З. Собирова мулоқот қилдик.

— Аввало шунга айтиб ўтишим керакки, — деди З. Собирова, — мустақил республикамизда эришилган ютуқларни мустақамлашда маънавий ҳизмат даражасини юксалтириш муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги кунда мавжуд бўлган қийинчиликлар, юзга келмаётган баъзи муаммоларнинг ўзи яхши самара бермади.

* Ҳизматимиз манзурми? ОДАМЛАР РАҲМАТ ДЕСИН

рувчи ҳизмат турларини жорий этиш ва ривожлантириш талаб қилинмоқда. Бундан ташқари, айна пайтда қайси бир ҳизмат турини олиб қараманг, у ҳоҳ тикувчилик ишлаб чиқариши, ҳоҳ тижорат-воситачилик ёки пойабал таъмирлаш бўлсин, одамларга яхши муомалада бўлиб, уларнинг талабларини қондириш доимо диққат марказида бўлиб қолмоқда. Ҳизмат кўрсатиш маданиятини яхшилаш мақсадида белгиланган турли чора-тадбирларимиз ўзининг натижаларини бераётган. Биз аниқлаш, ҳозирги қийинчиликлардан қандай тақчилликлар, таъминотдаги ўзгаришларга қарамай аҳолига малакали ҳизмат кўрсатишга астойдил ҳаракат қилишимиз.

— Бозор муносабатларига ўтганимиз туфайли кейинги пайтда республикамизнинг ҳар бир жабҳасида ўзига хос ўзгаришлар рўй беришди. Аҳоли эҳтиёжини тўла қондириш мақсадида соҳаларда ҳам иш юритилиши янги усуллари жорий қилинганми?

— Албатта. Президентимизнинг Фармонида кўра ҳукуматимиз томонидан ҳусусий ва жамоа мулк турларини шакллантириш бўйича қабул қилинган дастур айна мўлақот бўлиб, деф айтиш зарур. Мазкур ҳужжатга мувофиқ биз маънавий ҳизмат ишчиларини ҳусусийлаштириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, шунингдек иш юритиш учун етарли шарт-шароитлар яратиб бериш мақсадида кенг қўлланган вазифаларни амалга оширилди. Бошланган бу жараёни тизлаштириш ва меҳнат жамоалари маънавийни тўла қондириш мақсадида мулкни солиқ олаётган ишчиларга қатор имтиёзлар берилди. Шу залда ҳозирги пайтда 12 мингдан ортиқ аҳолига маънавий ҳизмат кўрсатишчи объектлар ҳусусийлаштирилди. Шу ўринда «Мебелмашиностроя» Тошкент шаҳар ишлаб чиқариш бирлашмасини «Умид» акциядорлик жамиятига айлантирилганини жуда қўл келди. Сабаби, бу жамият аҳоли эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда тайёрланаётган маҳсулотларнинг турини қайта қўриб чиқиб, намунали фаолият кўрсата бошлади. Эндиликда аввалгидан фарқли равишда 50 дан 100 тургача маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётган. Истеъмол бозорини мукамал ўрганиб иш қўрилаётгани маъносидан ишчилар рўзгор учун зарур бўлган буюмлар тайёрлаб, савдога чиқариш имконини берди. Айна пайтда бу ерда меъёри учун ёрдамчи материаллар тайёрлаш йўли қўйилди.

— Кўпгина корхоналар ҳам ашё тоғовий қийматларини бир пайтда бу ерда эришилаётган бундай ютуқларнинг сирини нимада?

— Тармоқимизга илғор усуллари, янгиликлар жорий қилинаётганининг афзаллигини ҳам шундан кўриш мумкин. Қийинчиликларга қарамай жамоа аъзолари имкониятлар излаб топилаётган. «Ору» чарм-атторлик ва спорт буюмлари ишлаб чиқариш корхонаси билан керакли материалларни бартар усулида айирбошлашга келишилди. Бундан ташқари, ҳалқ ҳўжалигининг бошқа тармоқларидаги корхоналар билан алоқа ўрнатилиб, бу жойларда янгилик қолган қийинчиликлардан унумли фойдаланиш йўли қўйилди. Қувончлики шундаки, маҳсулот сифати ва ҳизмат кўрсатиш даражаси ҳар доим муҳофиза қилиб борилади. Олинган фойда акциядорлар орасида тақсимланаётгани ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришга сарфланаётгани яхши натижа беришти. Бундай мисолларни яна кўпайта келтириш мумкин.

— Аҳолига маънавий ҳизмат кўрсатишни яхшилаш кўп жиҳатдан моддий-техника негизига боғлиқ. Бу борада қандай ишлар қилинган?

— Шуниси диққатга сазоворки, таъминотчилар билан алоқаларини тиклашимиз. Ҳамдўстлик давлатларидаги шерикларимиз ўртасида ҳар икки томон учун фойдали бўлган шартномалар тузилган. Тасарруфимиздаги кўпгина корхоналарга бартар усулида мол айирбошлаш учун лицензиялар берилди. Республикаси ташқарисига турли халқ истеъмолчи моллари юбориб, унинг ўрнига ўрмончилик маҳсулотлари, қурилиш материаллари ва металллар олишимиз. Ҳозирги кунда Санкт-Петербургдаги «ФЕБ» фирмасидан сартароҳоналар учун керакли бўлган ула-элик буюмлари, сураткашлик ҳизматига киёмий моддалар олишни режалаштирилди. Хорижий мамлакатлардаги ишбилармонларни жалб этиб, маънавий ҳизмат кўрсатиш турларини янада қўлайлаштириш ва ҳизмат даражасини яхшилаш мақсадида чет эл фирмалари билан олтига қўша корхона очилди. Уларнинг асосий қисми пойтахтимизда фаолият кўрсатмоқда. Бир сўз билан айтганда, бизнинг тармоқимиздаги мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва объектларни ҳусусийлаштириш кўзланган натижаларини беришти. Биргина Тошкент шаҳар тикувчилик маънавий ҳизмат кўрсатиш бирлашмаси жамоасининг ўзига 40 миллион сўм фойда олиганини фикримизнинг далилидир. Биз аҳолига кўрсатилаётган ҳизмат турларини янада қўлайлаштириш мақсадида ўз режаларимизни белгилаб олдик.

Субхатдод Саъдулла ШОДИЕВ.



Ҳозирги кунда мактабларда таълим олаётган иқтидорли болаларни аниқлаб, уларни рағбатлантириш халқ таълими ходимларининг доимо диққат марказида бўлмоқда. Пойтахтимизда ўтказилган иқтидорли ёшларнинг III Республика слёти ҳам ана шу мақсадда ташкил этилди. Мазкур тадбир давомида болалар олган билимлари ҳамда эгаллаётган ҳу-

нарларини йиғилганларга намойиш этилди. Улардан бир гуруҳи «Истеъдод» жамғармаси мукофотлари билан тақдирландилар.

СУРАТЛАРДА: слётдан лавҳалар акс эттирилган.

Ҳакимжон Солиқов олган суратлар.

ИЛМИЙ-техник тараққиёт ва бозор иқтисодиёти қонунилари асосида ривожланаётган ҳар бир жамияти энергетика манбаларининг тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳозирги кунда тараққиёт этган давлатларнинг энергетика балансида нефть ва газнинг ўрни 80—85 фоизни ташкил этади. Ахир саноатнинг барча тармоқлари — машинасозлик, кимё саноати, тоғ-кон саноати, қурилиш ва бошқа соҳалардаги жамияти машина ва механизмлар, асбоб-ускуналар, нефть ҳамда газ маҳсулотларидан фойдаланган ҳолда ҳаракатга келади. Транспорт эса деярли 95 фоиз нефть-газ маҳсулотларисиз мутлақо ҳаракат қилолмайди. Бундан ташқари кундалик турмушимиз ҳам буларсиз ўтиш қийин.

Мустақил Республикаимизнинг ташқи дунё билан алоқалари тобора кенгайиб бораётган бир пайтда бизни улар билан боғловчи «Ўзбекистон ҳаво йўллари» компаниясининг баҳаббат самолётлари ёнлиги сифатида фақат нефть ва газдан фойдаланилади.

Шундай экан, бу маҳсулотларнинг захиралари ўлкамизда қандай, деган саволнинг турлилиги табиий. Шунга алоҳида таъкидлаш зарурики, халқимизнинг эҳтиёжини тўла қондириш учун республикамиз Президентини шу соҳа хизматчилари олдида катта ва жиддий вазифаларни қўйди. Чунончи,

юртимиздаги газ захираларининг етарли эканлиги ва ҳали тўлиқ ўзлаштирилмаган қонларнинг мавжудлиги инобатга олиниб, 1995 йилга газ чиқаришни 52 миллиард кубометрга етказиш вазифаси қў-

йилди. Нефть ва конденсат чиқариши эса 7—8 миллион тоннага етказиш мўлжалланмоқда. Бу ишни муваффақиятли урдалаш учун қазиб чиқариш шартлари ўта мураккаб бўлган. Мингбўлоқ ва Кўндумалоқ қонларини тўла ўзлаштириш тақозо этилади.

Маълумки, биз ортқча газни Қозғистон, Қирғизистон ва Тожикистон Республикалари шаҳарларига етказиб бериб, мазкур давлатларда ишлатган аҳолининг ҳолатини чиқарамиз. Шунинг

эвазига ўзимизга етишмаган нефть маҳсулотларини харид қилишимиз мумкин. Агар шу вазифа муваффақиятли бажарилса, республикамиз ўзини-ўзи энергия манбалари билан деярли қоплайди.

Ҳозирги кунда янгидан-янги қонларни қидириб топишдан ташқари мавжуд эски қонларнинг имкониятларини ҳам чамалаб қўриш мақсадида мувофиқдир. Бу борада нефтьчиларимиз мўйяни ютуқларини қўлга киритишди. Фикримизнинг далили сифатида Фарғона водийси (Ғарбий Полвонтош) ва Сурхондарё нефть ҳавзаси (Миршодида) олинган фаввораларни келтиришимиз мумкин. Яна шунинг ҳам эътироф этиш лозимки, баъзи мутахассисларнинг фикрича мутахассисларнинг фойдаланиш қўла қатламлари бағрида нефть ва газ уюмлари мавжуд бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Агар ҳақиқатан ҳам бундай таҳмин амалда тасдиқланса, ўлкаимизнинг бойликларини миқдори беҳад ортб кетган бўлади.

Ишончимиз комилки, яқин келажакда мустақил Республикаимиз ёнлиги энергетика манбаларини тўла ишга солиб, уларни четдан келтириш заруратидан мутлақо ҳоли бўлади.

А. МАВЛОНОВ,
А. МУҲИДОВ,
Тошкент Давлат техника университетининг доцентлари.

Билиб қўйган яхши

© КАНАДАЛИК олимларнинг фикрича, таомдан кейин бир бўлак пишлоқ истеъмол қилиш тишининг соғлом бўлишини таъминлайди. Пишлоқ таркибидagi кальций ва фосфор тишининг устиди қатламни емирилишидан сақлайди.

© СИЗ қаттиқ чарчадингиз, асабларингиз таранг. Кечкурун театрга ёки кинога ҳам бормоқчи, лекин кайфиятингиз ёмон. Кайфиятингиз яхшилаш, чарчоқни босиш-учун нима қилиш керак? Бунинг учун озгина хом картошкани паррак қилиб тўғрайсиз. Беш-ўн дақиқа қўзларини юмиб ётиб, қовоқларингизга картошкани қўйсиз. Бундан ташқари мўйчака ёки ализли қўри қилиб ичасиз. Шундан сўнг иссиқ чойга дастурмоқни қўйиб, иссиқ иссиқ, икки дақиқа юзингизга қўйсиз. Кейин совуқ сув билан дастурмоқни қўйиб, яна юзингизга қўйсиз. Бу муолажани икки-уч марта такрорлаган беш дақиқалик соғлом сувли компресс билан аяқларингиз.

© АМЕРИКАЛИК олимлар ўзларнинг тажрибига қўра, ҳафзо (гипертония) билан оғирган беморлар мушунинг оилашаси уларнинг қон босимларини анча юзайига тушарилади.

Бахриддин ТУРҒУНОВ.

* Ажойиботлар қомуси ЮЛДУЗЛАР ЁМҒИРИ

Энди олис йиллардан асримизга қайтайлик. 1933 йилдаги юлдузлар ёмғирини Оврупо ва Африкадаги кўпчилик кишининг хотирасида умрбод қолди. У нисбатда ёрқин ва сероб бўлган. Худди қонюта тасаввурга сиймайдиган ҳалокат юз бергандек эди. Африкадаги турли қабилаларнинг одамлари ёвуз руҳлардан қўқондилар. Улар «тўқилаётган юлдуз қабиласи» деган хавотирда эдилар. Лекин тўқилаётган юлдузлар қабиласи қандайлардан бир неча баробар кўп эди. Шунинг учун қабилалар қийналар, ёвуз руҳлар бир балонини бошласади, қабилалар бўласади» деб наҳамага тушгандилар. Испаниядаги кишлоқлар узра эса қўнғирқонларнинг мотам дарах-дурғини янгради.

Ҳозирги кунда юлдузлар ёмғирига муносабат фақатгина тилда сақланиб қолган ҳолда: «қара, юлдуз учди». Юл-

дуз она сайёрамиз каби қонютадаги улкан ёрқин жисмнинг, у ерга қўлаб тушмаслигини билмасиз-да! Ўзидан нурли из қолдириб учган юлдуз эса Ер атмосферасига кирган метеоритнинг изидир.

Қонютадаги улкан жисмлардан ташқари сонсиз-саноксиз майда жисмлар — само тошлари (метеоритлар) бор. Уларнинг жуда ҳам кўпчилиги қуёш системаси бўйлаб турли томонга ҳаракатланади. Тез-тез сайёрамиз атмосферасига ниҳоятда катта тезликда кириб қолади. Улар қалин ҳаво билан қаттиқ иш-қалиниши оқибатида ёниб, майдаланиб, космик чангларга айланиб кетади. Улар юлдузларнинг қисмати шундай тугайди.

Шундай экан юлдузлар ёмғирини қарда юз беради? Осиёнинг алоҳида бурчакларида маълум бир даврларда юлдузлар ёмғирини рўй бериб. Қадимдан Арслон юлдузлар туркумида даврий юлдузлар ёмғирини рўй бериши маълум бўлган. Улар ҳар ўттиз уч йилда бир тақрибдан тўради. Сўнгги марта ун 1966 йилнинг ноябрида қўришган. 1933 йилдаги юлдузлар ёмғирини эса Аждаҳо юлдуз туркумига тегишли бўлган. Ун пайта 1946 йилда қўришган.

Ушбу ёмғирларнинг ҳосил бўлиш сирлари бормикин? У қандай озоҳланаркан? Ҳамма гап шундаки дунёвий кенг-лида майда метеорлардан ташқари улкан метеорлар ҳам учиб юради. Улар ҳам сайёралар сингари қуёш атрофида айланади. Вақти-вақти билан метеоритлар Ер орбитасига тушиб қолади. Бундай ҳолат тунда юз берса биз юлдузлар ёмғирига гувоҳ бўламиз.

Ернинг тортиш кучи таъсири остида улкан метеоритларнинг йўли ўзгариб қолган бўлади. Шу сабабдан юлдузлар ёмғирини юз бермасдан, қутлимизга бошқача ҳолатлар рўй бериб.

Юлдузлар ёмғирини эса Ерда етиб келмайди. Унинг майда-майда бўлақчалари ҳавода буткул ёниб кетади. Лекин бошқачаси ҳам бўлади. Яхшиини бу ҳақда бошқа сафар батафсил ҳикоя қиламиз.

Ғолиб МИРЗО.

* Элатлар, одатлар

ХИТОЙЛИКЛАРНИНГ АНТИҚА БАЙРАМЛАРИ

ВАРЧА халқлар қатори хитойликлар ҳам ўзига хос антиқа урф-одатларга эга. Бу бекиз эмас. Ахир Хитой жаҳон тараққиётининг энг бой, энг қадимий маданияти ўққларидан бири ҳисобланади. Унинг тараққиёти ҳисоб-китобларга қараганда бундан 40 ас илгари бошланган. Бу — бир-бирини алмаштириб турган сулолалар, турли табақалар қўзғолонлари, жамоалар ўртасидаги курашлар тарихидир.

Ҳар бир давр моддий ва маънавий маданиятининг тараққиётида, фалсафий фикрларда юксалишлар билан белгиланади. Хитой халқи қадимдан ўз кашфиётлари билан жаҳон илм ва фан тараққиётига йўлга улкан ҳисса қўшган. Масалан, қуёш, компас, ўқ-дор қашини ётлари, итқоб нашир этиш дастлаб шу ерда бошланган. Хитойликларнинг илмий, маънавийликларини сақлаб, му-

ламнинг илк сайри деб ҳам аташади.

Халқнинг энг сеvimли байрами «Дуань» саналади. Унинг пайдо бўлиши Цюй Юань деган қадимги шоир ва аятанпарвар инсон хотираси билан боғлиқ. Эрамиздан аввалги 278-йил бешинчи ойнинг бешинчи кунини сўраганда юрган Цюй Юань Чу подшолигининг кўчманчи қабилалардан енгилгани ҳақида хабарини ешитиб, бу шармандаликка чидай олмайдиган бўлиб, «Цинмин» байрами кунини ўсимликлар олами уйдонидан палла бўлади. Одамлар табиат қўлини дам олиш учун сайрга чиқишади. Шунинг учун бу кунини «Тазинце» — кун-

боғланади, «цзунцзи» номли ушбу алъанавий таом шу кунини дарёга ташланади.

Ой тақими бўйича саккизинчи ойнинг ўн бешинчи кунини хитойликлар «Чжунцзю» — куз ўртаси байрами —ни нишонлашади. Бу байрам ҳам узок тарихга эга бўлиб, шу кунини ширин нонлар тайёрлашади ва ун Ой худосига тақдим этишади. Қизил шундаки, худди шу кунини ой ерга янада ёруғроқ нур солади. Ушбу удулм туғача, одамлар ой нури остида оилавий жам бўлиб, ойда аталган ширин нонларини еишади. Улар таъбири бўлишча ширин нон оила муваффақиятлари рамзи бўлса, ойнинг ёруғ нури яқин қариндош-уруғларини ёд этишга, оиланинг янада мустаҳкам бўлишига чорлар экан.

Мирқодир МИРҚАЛОЛОВ,
Тошкент Давлат шарҳу-носилк институтини доценти.

«ТОШКЕНТ оқшоми» газетасининг шу йил 21 февраль сонидида «Румий италиялик бўлганми?» номли мақолани ўқиб, қўлимга қалам олдим. Унда ҳозирги пайтда оммавий ахборот воситалари томонидан Италиянинг пойтахти бўлган Рим шаҳрини Рум дея нотўғри юритилаётганини ҳусусида сўз боради. Муаллиф чиқарган ҳулоса тўғри, келтирилган далиллар ҳам ўринли. Аммо ушбу масала жуда чуқур таққинга эга.

Қўш, «Рум» дегани нима? У Европача «Рим»нинг шарқона талаффузига мослашган шакли эмасми? Ҳа, асли, «Рум» қадимда Рим империясини англатган ва бу сўз шу тариқа Шарқ тилларига кириб қолган. Тожик тилининг изоҳли лугати «Фарҳанги забони тоҷикӣ» ҳамда «Жомий асарлари лугати» шундан далolat беради. Лекин даврлар ўтиши билан кўп сўзларнинг, жумладан, жой номларининг ҳам маъноси ва у англатадиган ҳудудлар ўзгариб боради. «Рум» сўзи тақдирда ҳам ана шундай ўзгаришлар юз берди. «Туркча-русча лугат»да ёзилишича, «Рум» тарихан Кичик Осиё тушунчасини англатган. Шунингдек, «Рум» этнонимини Туркияда ёхуд бирор мусулмон мамлакатига туғилган ёки истиқомат қилаётган юнонларга нисбатан ҳам ишлатилади. Ўтмишда қадимги юнонларнинг, византияликларини «румлар» ёки «румийлар» деганлар. «Румча» дегани биздаги «юнонча», «юнон тили» атамалари ўрнида ишлатилган. Туркияда юнонлар ҳозир ҳам «румликлар» дейилади.

* Акс садо

РУМ БОШҚА, РИМ БОШҚА

Шуниси қизиқки, Туркияда юнонлар «румлик» деб турлигана ҳолда, Хурсон ва Мовароуннаҳрда туркиязыкларнинг ўзларини «румлик» деганлар. Демак, «Рум» сўзи ҳар ерда ҳар хил тушунилан. Бунга мисоллар кўп. Айтайлик, асли Шимолий Африқондаги ўзимизнинг Балх шаҳримизда туғилган ва мўғуллар истилосидан қочиб ота-онаси билан Туркияга қўчиб кетган машҳур авлиё шоир Муҳаммад Жаҳодиддин Туркиянинг Қўне шаҳрида истиқомат қилиб қолгани учун ўзига «Румий» тахаллусини таълаган. Чунки Қўне 1077—1307 йилларда салжукийлар ҳукмронлигида Рум султонлигининг пойтахти эди.

Рус олим О. О. Акимушкиннинг ана шу Жалолидин Румийнинг машҳур «Маснавий маънавий»-си билан таъланган ҳикоятлар таржимасига «Батан шарҳларида» «Рум» ва «румликлар» сўзлари шундай изоҳланади: «Рум, румликлар — Римнинг, кейинчалик Византиянинг арабча, сўнграқ эса умуммусулмонча номланиши. XI асрнинг охирига келиб бу атама қисман Византия империясига кирувчи Кичик Осиёга нисбатан ҳам қўллана бошлади. Дастлаб «румийлар» деганда греклар ёхуд римликлар эмас; балки умуман тарсолар (христианлар), бора-бора XIII асрга келиб эса салжукий султонлар ҳукмронлигида бўлган Кичик Осиё аҳолиси тушунила бошлади».

Пойтахти Қўне бўлган Рум мамлакатини султонларини «Рум қайсар» ҳам дейишган. Навоий «Ҳазо-йин ул-маоний»нинг иккинчи девони — «Наводир уш-шабоб»даги 12-китъада:

Тухфаларким, юборди қайсарни Рум,
Бурса жинси, фаранг дебоси,
— деган байт бор. Бу ердаги «Рум қайсар»ни Туркия подшоҳи маъносига тушуниш керак. Чунки Бурса шаҳри ҳозирги Туркияда. «Жинс» эса мол, мато, газлама маъносига келган. «Фаранг» эса кенг маънода Европа, тор маънода Францияни билдиради. «Фаранг дебоси» — Фаранг шоҳиси дегани. Мантиқан Рум қайсарининг Бурса газламаларию Фаранг шоҳиларини юбориши табиий. «Қайсар» юнон «қайзер»нинг мусулмонча талаффузи. Хуллас, Навоийлар даврига келиб «Рум» ўзининг асли — «Рум»дан узоқлашиб кетган. Бироқ «Рум» сўзи бу буюк шоир асарларида рамзий-тимсолий маъноларда ҳам келади. Масалан, «Рум аҳли» мазоҳан «оқ танлилар» маъносини англатади. Шундан келиб чиқиб, шатранж, яъни шохмўтадаги оқ доналар ҳам историклар тарзда «Рум аҳли» дейилган. «Рум» сўзи оқлик рамзи бўлганидан у бадиний адабиёт, ҳусусан, шеърятда оқ, оппоқ қозғога ишора тарзида ҳам қўлланган. «Румий чехр» ибораси эса «оқ юзли» деган тушунча ифодаси учун ишлатилган.

Гарчи усмонли турк тилида «румча» деган сўз юнон тилини билдирса ҳам, Навоий тилида «румий тили» тушунчаси айнан Туркия туркизини англатади. Вобалолонимизнинг устози ва пири Абдурахмон Жомий «Нафаҳот ул-унс мин ҳазарот ул-қудс» таъкирасидан бошқа манбалардан ҳам олинган қўшимчалар билан таржима қилгани «Насойим ул-муҳаббат мин шамойин ул-футууват» таъкирасида туркийгўй шоир Сайид Насимий ҳақида қўйилган: «Ироқ ва Рум тарафидида мулкдин эрандур. Румий (!) ва туркомий тил бил назм айтибдур...». Демак, умумийроқ қилиб, туркий тилининг ўгуз лаҳжалари, яъни Туркия туркизи, озарбайжон, турман тиллари «румий ва туркомий тил» дейилган экан.

Ҳар қандай сўз асрлардан асрларга ўтди, аниқки, у замонага мослашиб бораверади. Халқ эса ўз тилида қадимда яратилган асарларни ҳам, замонавий китобларни ҳам ўқийверади. Шунинг учун киши сўзлар ҳозир англатадиган тушунчаларини на эмас, уларнинг тарихий маъноларини ҳам қанча кўп ва ҳў билса шунча яхши. «Рум» сўзи англатган тарихий маъноларини қўздан кечириб шундан далolat беради. Демак, ҳозирги даврда Рим сўзини Рум дея шакллал мантиқа тўғри келмайди.

Султомурад ОЛИМ,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Алишер Навоий номидаги Академия институтининг катта илмий ходими.

* Сўраган эдимиз...

УЙДА ШАКАР ТАЙЁРЛАГАНМИСИЗ?

© Ўзда томорқамизда оғзида жойга яхшигина қанд лавлагис экан эдик. Ундай уйда шакар олес бўладими?

А. Турбонов,
Ҳамза тумани.

Тўғри, уй шароитида заводикидай шакар олишнинг иложи йў. Аммо ширин лавлага уни ёки шакарли сироп тайёрлаш мумкин. У қандай қилинади?

Лавлага аввал яхшилаб ювилади, сўнг арчилиб, ўртача катталикидаги тоғорача майдалаб тўғралади. Шундан сўнг ўша тўғраламлар юмалоқ шаклда парраклашиб, кесиб осон бўлиши учун газ духовкасида қўйилади. Юмшаган лавлага парракчаларининг устига қанд кетиши учун енгилгина на уи сеппилади ва узонроқ сақланади. Сўнг унга яхшилаб буғаланиб, галвирдан ўтказилади. Шунда лавлага уни ҳосил бўлади. Унинг таркибиде 50 фоиз шакар бор. Ундан рўзгорда пиширишлар пиширишда бе-малол фойдаланиш мумкин.

Шунингдек шакар сироп тайёрлаш ҳам унчалик мушкул эмас. Бунинг учун тозаланган лавлага сирли давомида қайнатилди. Сўнг сувдан олиб, совиғач пўстлоғи арчилади. Унчалик катта бўлмаган ҳамда кесилб, ўшунг майдалашчидан ўтказилади. Ҳосил бўлган лавлага бутқасидан шарбатни сики-

гина сиқиб олинади. Унга ҳамиятга қараб, масалан, бир коса лавлага бутқасига бир коса иссиқ сув билан аралаштириб икки соат давомида қайнатилди. Шундан кейин бу суюқлик икки уш қарақ докдан ўтказилиб, 80 даража иссиқликда бир соат давомида газда туради. Сўнг сироп филтр ёрдамида тозланади. Тайёр бўлган сироп эмалаган идишга солиниб, мураббоний таъинидаги иссиқликда қайнатилди. 1 литр сироп таркибиде 700—850 грамм шакар бўлади. Мана сизга уйда шакар олишнинг бир қўлиниши.

Назира СОДИҚОВА
тайёрлади.

Бош мухбир Эркин ЭРНАЗАРОВ.

